



CYBERLENINKA

 RESEARCHBIB  
ACADEMIC RESOURCE INDEX



 Google Scholar

O R  
|  
|

Scientific Journal  
Impact Factor  
TOGETHER WE REACH THE GOAL

INDEX  
COPERNICUS

ISSN: 2181-1784  
SJIF 2022 = 5.947  
ASI-Factor = 1.7



 ADVANCED SCIENCES INDEX

# ORIENTAL

# RENAISSANCE:

*Innovative, educational,  
natural and social sciences*

[www.oriens.uz](http://www.oriens.uz)

*Exact sciences*

*Natural sciences*

*Engineering sciences*

*Pedagogical sciences*

*Social and Human sciences*

*Philological sciences*

*Philosophy sciences*

*Economic sciences*

**VOLUME 2**

**No5/2  
2022**



**ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL,  
NATURAL AND SOCIAL SCIENCES  
SCIENTIFIC JOURNAL**

**VOLUME 2, ISSUE 5/2**  
**ISSN 2181-1784**  
**Impact Factor: 5.947**  
**ASI Factor = 1.7**

**May**  
**2022**

---

<b>Elboyeva Sh.B.</b> // Миллатлараро ҳамжиҳатлик–халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир.....	377
<b>Омонкулова Н. Э.</b> // Совершенствование механизмов обеспечения и защиты прав лиц с инвалидностью в Республике Узбекистан.....	386
<b>Норимбетов Т. Б., Норимбетова Н.Т.</b> // Понятие учебной деятельности в младшем школьном возрасте.....	399
<b>Рахматуллаев А.Н., Ибрагимов У.М.</b> // Использование термовидения в ткачестве.....	404
<b>Садиков У.Т., Суяров Ш.М.</b> // Нарушение толерантности к углеводам как фактор риска ишемической болезни сердца среди населения ферганской долины республики Узбекистан.....	412
<b>Ikramova Z.</b> // <i>The principle of economy in word formation</i> .....	422
<b>Каюмова А.С.</b> // Опыт США в венчурном финансировании.....	428
<b>Бабаджанова З.Х.,Халимова Д.Ж.</b> // Олий ўқув юртларда сифат менежментига таъсир этувчи омиллар.....	433
<b>Жўраев М.Н., Шаропов А.Ф., Шайманов Т.В., Тураев Ш.Б.</b> // Қоратепа маъданли майдони Сарикўл участкасининг Ғарбий ва Шарқий қисмларидағи вольфрам маъданлашувини баҳолаш.....	438
<b>Арзиқулов З.Қ.</b> // Физика фанига доир электрон таълимий ресурслар яратишнинг таълим жараёнидаги аҳамияти.....	445
<b>Мейлиев Х. Ж., Гуломова М.М.</b> // Неподвижной точке квадратичные стохастическое операторы на декартово произведение $S^l * S^l$ .....	452
<b>Джумакулов Т, Турдибаев Ж.Э., Мирзалиева Д.Б.</b> // Феромонная ловушка для карантинного вредителя <i>myiopardalis pardalina big</i> .....	461
<b>Shoxo'jaeva Z.S., Boqieva D.O.</b> // <i>Mamlakatimiz qishloq xo'jaligini kreditlash tizimini davlat tomonidan tartibga solishning zamonaviy mexanizmlari</i> .....	466
<b>Ташкулов А.А., Алимов Ш.М.</b> // Обоснование оптимальных параметров эффективного регулирования степени дробления.....	475
<b>Шамаев М.К., Алимов Ш.М.</b> // Перспективы применения циклично-поточной технологий (ЦПТ) на карьере Кальмакыр.....	488
<b>Сайдусмонов Б.А.</b> // Тошкент вилоятида транспорт турлари шаклланишининг тарихий босқичлари.....	498
<b>Рахматуллаев Ф.В.</b> // Талимарджанское водохранилище и его роль освоения каршинской степи (на примере 60-70 годах XX века) .....	507

---

## **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНинг ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

**Сайдусмонов Бахром Абдуганиевич**

ЎзДЖТСУ, “Ижтимоий фанлар  
ва хуқуқ” кафедраси ўқитувчиси.

### **АННОТАЦИЯ**

Уибу мақолада транспорт инсоннинг машаққатли ҳаётидаги ўрни, ҳозирги кунда жасамият ҳаётини транспортсиз тасаввур қилиши мушкул. Бугун ижтимоий ҳаётимизда энг кўп қўлланилаётган автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, саноат, шаҳар йўловчи транспорт турлари мавжуд. Ўзбекистонда транспортни комплекс ривожлантириши, транспорт ва коммуникация тизимининг ривожланиши, автомобиль транспорт тизими ривожланиши, йўл қурилиши билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда республикамизда ижтимоий ҳаёт бирмунча яхшиланиши натижасида транспорт тизимида бир қанча ижсобий янгиликлар, шу жумладан, Тошкент вилоятида транспорт коммуникация тизимининг шаклланишига ижсобий таъсири ҳақида маълумотлар брилган.

**Калит сўзлар:** давлат, республика, вилоят, транспорт, коммуникация, самалиёт, поезд, автомобиль, машина, трактор, темир йўл, автомобиль йўл, завод, кархона, йўловчи ташини, қишлоқ хўжалиги.

### **АННОТАЦИЯ**

В этой статье рассказывается о роли транспорта в трудной жизни человека, в настоящее время трудно представить жизнь общества без транспорта. Сегодня наибольшее применение в нашей общественной жизни имеют автомобильный, железнодорожный, воздушный, водный, промышленный, городской пассажирский транспорт. В результате комплексного развития транспорта в Узбекистане, развития транспортно-коммуникационной системы, развития автомобильной транспортной системы, дорожного строительства, а также улучшения социальной жизни в нашей республике был представлен ряд позитивных новостей в транспортной системе, в том числе о положительном влиянии на формирование транспортной коммуникационной системы в Ташкентской области.

**Ключевые слова:** государство, Республика, регион, транспорт, Связь, самолет, поезд, автомобиль, автомобиль, трактор, железная дорога, шоссе, завод, карьер, пассажирские перевозки, сельское хозяйство. брилган.

## ABSTRACT

*This article talks about the role of transport in a difficult human life, at present it is difficult to imagine the life of society without transport. Today, automobile, railway, air, water, industrial, urban passenger transport have the greatest use in our public life. As a result of the comprehensive development of transport in Uzbekistan, the development of the transport and communication system, the development of the automobile transport system, road construction, as well as the improvement of social life in our republic, a number of positive news in the transport system was presented, including a positive impact on the formation of the transport communication system in the Tashkent region.*

**Keywords:** state, Republic, region, transport, communications, airplane, train, car, automobile, tractor, railway, highway, factory, quarry, passenger transportation, agriculture, brilgan.

## КИРИШ

Инсоният турмуш даражасини юксалтириш жараёнларида турли-туман транспорт воситаларидан фойдаланган. Транспорт инсоннинг машаққатли ҳаётига нур олиб кирди. Ҳозир жамият ҳаётини транспортсиз тасаввур қилиш мушкул. Бугун ижтимоий ҳаётизизда энг кўп қўлланилаётган автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув, саноат, шаҳар йўловчи транспорт турлари мавжуд.

Давлатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи соҳаларни икки туркумга ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчиси, фойда олиш учун қулай бўлган соҳалар. Иккинчиси, мажбурий ривожлантириш шарт бўлган соҳалар. Ҳар бир давлат ўз имконичтлари, объектив ва субъектив ҳолатларини инобатга олиб, ўзига қулай бўлган бир ёки бир нечта соҳаларни иқтисодий фойда олиш манбаига айлантирган. Бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари фойда олиш учун қулай бўлган соҳаларга кўпроқ эътибор қаратадиганни кўрамиз. Аммо, ҳар қандай ҳодиса ички зарурият туфайли юз беради, макон-вақт нуқтаи назаридан кўп сонли омиллар билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра барча соҳаларни бирдек ривожлантириб бораётган давлатлар ҳам талайгина. Ўзбекистонда ҳам ҳозиргача иқтисодий фойда олишда драйверлик қилаётган алоҳида соҳа кўзга ташланмайди. Бугунги кунда Ўзбекистон барча соҳаларга бирдек эътибор қаратиш ёки баъзи соҳаларда жаҳон бозоридан муносаб жой эгаллашдек масъулиятли танлов жараёнларини босиб ўтмоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ҳозир транспорт тизимисиз жамият ҳаётини тасаввур этишимиз мумкин эмас. Зеро, транспорт тизими тараққиёт ривожланишининг зарур шартларидан бирига айланганлиги табиийдир. Транспорт тизимининг асосий вазифаси юк ва йўловчиларни манзилга элтишда халқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб, ахолини эҳтиёжларини тўла ва ўз вақтида қондириш, транспорт тизими ишининг сифат ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Транспорт тизими ривожини коммуникациясиз яъни йўл қурилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса транспорт тизими билан йўл қурилиш соҳасини чамбарчас яъни параллел равишда ривожлантиришни тақозо этади. Тадқиқот жараёнида транспорт ва коммуникация тизими ривожланишига таъсир этувчи турли ҳил омилларининг айрим жиҳатлари хорижий олимларнинг, жумладан, Г.П. Рифицкий, А.Н. Алилов, Н.А. Суворов, Л.М. Медведева, А.Л. Орлов, Д.А. Акимкиналар У.Тўхтахонов, С. Хўжаев, И.Убайдуллаев, И.Аброров, Ф. Захритдинов, Л.Аҳметов, Ф.Захритдиновлар томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Транспорт ва коммуникация тизими оптимал ривожланиш усуллари, иқтисодий ва географик ривожланиши билан боғлиқ айрим жиҳатлари Ж.С. Файзуллаев, А.А. Исаев, А.Ў. Қўзиев, О.А.Цамутали, Д.И.Мангельдин, Г.З.Захритдиновлар томонидан докторлик ва номзодлик диссертацияларида тадқиқ этишган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Темир йўл орқали табиий бойликларни ва арzonлиги кучи бўлган пассажирларни ташиш қулай ва иқтисодий самараси юқори булганлиги учун Россия Ўзбекистонда темир йўл қурилишини тез суъратлар билан ривожлантиришга хайриҳоҳлик қилди. Ўзбекистон территориясида темир йўл қуриш ишлари дастлаб 1888 йил Самарқанд станцияси қуриш учун бошланган. “1913 йилда Ўрта Осиё темир йўли ҳозиоги чегара бўйича 2711 километр масофани ташкил этади, шундан 1274 километри Ўзбекистон территориясида бўлиб, атиги 26 километригина Тошкент обласи бўйлаб ўтарди”. [1]

Ишлаб чикариш ва халқ хўжалиги соҳаларидаги бундай ўсиш Тошкент вилоятида 1950 йилларнинг бошларида Тошкент-Олмазор Тошкент-Янгийўл Тошкент-Кучлик каби шаҳар атрофида қатнайдиган поезд маршрутларини йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Ўша даврларда транспорт тизимида қулай

саналган ва иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланган темир йўл тармоқларидан йўловчи ҳамда юк ташиш ишларида энг кўп фойдаланилган.

1950 йилларнинг бошларида Тошкент вилоятида жуда кўп саноат корхоналари, жумладан, Ангрен иссиқлик электростанцияси, Олмалиқ мис эритиш комбинати, Оҳангарон-Олмалиқ рудага бой тоғларини ўзлаштириш, Чирчик ойна заводи ишга тушди. Бундан ташқари Ангрен, Олмалиқ, Қувасой, Чирчик, Бекобод ва Тошкент вилоятининг бошқа шаҳарларида янги саноат корхоналари қурилиш ишлари жадаллаштирилди. Бунинг натижасида “1958 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1950 йилга нисбатан икки марта ортди”.[2]

Бу эса табиий тарзда Тошкент вилояти транспорт тизимиға ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса пассажир ташувчи бир қанча маҳаллий поездлар маршрути тез ривожланиб борди. Бу ўсиш суърати асосан 1950-1955 йилларда узоққа қатнайдиган, маҳаллий ва шаҳар атрофида қатнайдиган поездларнинг барчасида кузатилган. Аммо, 1955-1958 йилларда пассажирлар ташиш динамикаси эътибор қаратадиган бўлсак маҳаллий ва шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда пассажирлар ташиш миқдори камайганига гувоҳ бўламиз. Чунки, бу давр автомабиль ва ҳаво транспорти тараққий этишида туб ўзгаришлар бошланаётганлиги билан ҳарактерланади. Хусусан, “Тошкент зonasида пассажирлар кам бўлганлиги сабабли 1956 йилда Тошкент-Олмазор, Тошкет-Янгйўл, Тошкент-Кучлик каби шаҳар атрофига қатнайдиган олти жуфт поезд маршрути вақтинча бекор қилинган эди”. [3]

Аммо 1959-1965 йилларда Ўзбекистон темир йўлида прогрессив техникага асосланган реконструкция ишлари жадал суъратларда ташкил этилди ва бу техника тараққиётини юксалишига олиб келди. Натижада, узоққа қатновчи магистрал йўлларда, ҳатто маҳаллий ва шаҳар атрофидаги поездларга теплавозлар хизматидан тўлиқ фойдаланишга эришилди. Бунинг эвазига “1958 йилда пассажирлар ташишда теплавозлар хизматининг солиштирма оғирлиги 36 процентни ташкил этган бўлса, 1965 йилга келиб 95 процентга етди”. [4]

1954 йилда қурилиши тугалланган Чоржой-Қўнғирот темир йўли республиканинг хамма вилоятларида ишлаб чиқариш кучларини тараққий этишига ва пассажирлар ташишнинг ўсишига муҳим аҳамият касб этди. 1950 йилнинг ўрталарида Ховос-Когон, Марғилон-Қизилқум, Қизилтўқимачи-Оҳангарон, Тошкент-Бараж каби серқатнов темир йўл участкалари барпо этилган. Ўзбекистонда 1950 йилда Москва, Душанбе, Фрунзе ва Краснаводск шаҳарларига қатнайдиган поездлар хизмат кўрсатган бўлса, “1950 йилдан республика териториясидан ўтадиган 4 жуфт скорий поездлар юрадиган бўлди

ва Андижон-Москва, Тошкент-Целиноград, Тошкент- Кросноярк, Тошкент-Душанбе, Тошкент-Хўжайли қаби янги темирйўллар очилди”. [5]

Республикада 1950 йилларда темир йўл транспорти коммуникация соҳасида туб ислоҳатлар ўтказилиши натижасида “1958 йилда асосий йўлларнинг 70 процентига оғир излар ётқазилди”. Темир йўлларда нафакат миқдор жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиш кузатилиб, шағал ташланган мустаҳкам йўллар барпо этилди. Транспорт хизмат кўрсатиш тизимида ҳам талайгина қулайликлар яратилди, жумладан, “Пассажир поездларига эндиликда паравозлар билан бир қаторда ТЭ1, ТЭ2 кейинчалик ТЭ3 теплавозлари ҳам тиркаладиган бўлди, бу эса уларнинг ҳаракат тезлигини оширди”. [6]

Ўзбекитонда аҳоли сонининг кескин ортиб бориши саноат, қишлоқ ҳўжалиги, ҳалқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда кескин ислоҳатларни амалга оширишни тақозо этиб борди. Бу эса, темир йўл транспортини техника жиҳатидан тубдан реконструкция қилиш, яъни Ўзбекистон шароитида магистрал йўлларини теплавозлар юрадиган қилиб мослаш, йўлларга Р-50, Р-43 типидаги мустаҳкам, оғир изларни ётқазиш, асосий йўлларни жихозлаш, автоматик қурилмалар ўрнатиш, радио алоқани ривожлантириш қаби транспорт йўллари коммуникациясини ривожлантиришга олиб келувчи амалий ишлар қилинди. [7]

1959-1965 йилларда Оҳангарон цемент заводи, Оҳангарон ва Тахиатош ГРЭСи, бир қанча уй жой қурувчи камбинатлар ишга туширилиб, янги шаҳарлар ва шаҳар типидаги пасёлкалар пайдо бўлиши, Тошкент вилоятида транспорт коммуникацияси ривожланишини янада жадаллаштириди. Бундан ташқари йўловчи пассажирларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт алоқа тизимлари коммуникациясига ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, “Мана шу даврнинг бошларида 34 та узоққа қатнайдиган ва 4-та маҳаллий поездларнинг ҳаммаси радиолшлирилган эди”-деб кўрсатилган аҳборот ҳам транспорт тизимини коммуникациясида қилинган ижобий ўзгаришларни тасдиқлаб турганига гувоҳ бўламиз. [8]

Темир йўл транспорти коммуникациясига қаратилган эътибор туфайли пасажир поездларининг техника ва маршрут тезлигининг бир қанча марта оширилишига эришилди. Масалан, “1965 йилда бу тезлик скорий поездларда 56 километр-соатни ташкил қилди, умуман поездларнинг тезлиги 1956 йилга нисбатан 25,3 процентга, шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар тезлиги 50 процентга қўпайди” -деб кўрсатилган. [9]

1960 йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт бирмунча яхшиланиши натижасида транспорт тизимида бир қанча ижобий янгиликлар, яъни поезд хиллари ташкил қилиш графикларининг ўсиб бориши, умумий жойларни камайтириб, йўловчиларга қулай булган купели ва юмшоқ ўриндикили жойларни кўпайтириш, маданий хизмат кўрсатиш даражасининг ўсиши каби бир қанча қулайликлар яратилди. Бу эса, айниқса, Тошкент вилоятида транспорт тизимининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиб, шаҳар атрофида қатнайдиган поездларга йўловчилар ташишнинг ортишига сабаб бўлди. “1961 йилга келиб пассажир ташиш кескин ўсади ва 1965 йилда маҳаллий поездларда 145 процентга, шаҳар атрофида қатнайдиган поездларда 222 процентга етди”. [10]

Тошкент вилояти транспорт тизими коммуникациясида 1966-1980 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида юз берган ўсиш туфайли бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. 1970 йилдан бошлаб Келес-Янгийўл участкасида 56 километр масофали Тошкент кесимида шаҳар атрофида қатнайдиган асосий йўл тармоқларига электровозлар қўйила бошлади. Натижада, Тошкент вилоятида транспорт коммуникациясидаги ижобий ўзгаришлар туфайли “Пассжир поездларининг ҳаракат тезлиги 13-15 процент миқдорида ўсади”. [11]

1966-1980 йилларда Тошкент вилояти транспорт йўллари ва транспортга хизмат кўрсатиш коммуникациясида кўзга кўринадиган ишлар амалга оширилган. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ўсиши, меҳнаткашлар моддий ва маданий хаётининг яхшиланиб бориши натижасида 1966-1990 йиллар Тошкент вилояти транспорт тизими шаклланишида ўзига хос ўсиш даври бўлди. 1966-1980 йилларда Тошкент вилояти транспорт тизимида вагонларни электрлаштирувчи курилмалар ишга туширилиши ушбу даврда соҳада ижобий натижалар қайд этилишига олиб келди. [12]

Тошкент вилоятида 1945-1990 йиллар транспорт турлари шаклланиши хусусияти, объектив-субъектив сабаблари, ривожланишидаги ўзига хослиги, ўсиш кўрсаткичидаги динамик ўзгаришлар ва бошқа бир қатор жиҳатларини хисобга олиб, қўйидаги тўртта тарихий босқичга ажратиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб хисобладик:

1-bosқич 1945-1955 йиллар

2-bosқич 1956-1965 йиллар

3-bosқич 1966-1980 йиллар

4-босқич 1981-1990 йиллар

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилоятида транспорт ва унинг коммуникациясини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Тошкент вилояти транспорт тизимида вагонларни электрлаштирувчи қурилмалар ишга туширилиши ушбу даврда соҳада ижобий натижалар қайд этилишига олиб келди. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини сезиларли даражада ўсиши, меҳнаткашлар моддий ва маданий хаётининг яхшиланиб бориши натижасида 1966-1990 йиллар Тошкент вилояти транспорт тизими шаклланишида ўзига хос ўсиш даври бўлди. Йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш, назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, монополиядан чиқариш, хусусий сектор корхоналарини жалб қилиш ва инвестицион жозибадорликни ошириш ҳисобига соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, йўл қурилишига инновацияларни кенг жорий этиш масалалари Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этмоқда.

## **REFERENCES**

1. Тўхтахонов.У. Ўзбекистон ССР транспортининг ривожи. “Фан ҳақида сұхбатлар”. №34. -Б.17-18.
2. Тухтахонов.У. Развитие транспорта в Узбекской ССР. «Беседы о науке». №34. -Б.17-18.
3. Tukhtakhov.U. The development of transport in the Uzbek SSR. "Conversations about Science". No. 34. -p.17-18.
4. Хўжаев С. Ўзбекистон автомобиль транспорти. “Ўзбекистон ССР билим жасмияти”.1968. -Б.30-31.
5. Ходжаев С. Автомобильный транспорт Узбекистана. "Общество знаний Узбекской ССР", 1968 год. -С.30-31.
6. Khojaev S. Automobile transport of Uzbekistan. "Knowledge Society of the Uzbek SSR", 1968. -p.30-31.
7. Жаҳонгиров Б.Б.Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-Қарши.2020.-Б.254-258

8. Джахонгиров Б.Б. Научно-технические связи Академии наук Узбекистана с зарубежными странами. Новости КарГУ Научно-теоретический, методический журнал. Спецвыпуск (Общественные науки). - От.2020.-С.254-258
9. Убайдуллаев И.Аброров, Захритдинов Г. Ўзбекисон транспорти. "Ўзбекистон ССР билим жасмияти". 1968. -Б.10-11.
10. Убайдуллаев И.Аброров, Захритдинов Г. Узбекский транспорт. "Общество знаний Узбекской ССР". 1968. -С.10-11.
11. Ubaidullaev I.Abrorov, Zakhritdinov G'. Uzbek transport. "Knowledge Society of the Uzbek SSR". 1968. -p.10-11.
12. Ахметов Л. Автотранспорт истиқболи. "Фан ва турмуш".1982. №8.-Б.2-3
13. Ахметов Л. Перспективы автомобильного транспорта. «Наука и жизнь».1982. №8.-С.2-3
14. Akhmetov L. Prospects for road transport. "Science and Life". 1982. No. 8.-p.2-3
15. Жаҳонгиров Б.Б.Ўзбекистонда илм-фан ҳолати, тараққиёт йўналишлари (1980-2010 йиллар) Монография. "Qaqnus media" нашриёти, -Тошкент. 2020. – Б.158.
16. Джахонгиров Б.Б. Состояние науки в Узбекистане, направления развития (1980-2010 гг.) Монография. Издательство Qaqnus Media, Ташкент. 2020. – С.158.
17. Dzhakhongirov B.B. The state of science in Uzbekistan, directions of development (1980-2010) Monograph. Publishing house Qaqnus Media, Tashkent. 2020.-P.158.
18. Цамутали.О.А.Улучшение использования транспортных средств в хлопкосеющих колхозах Тошкентской области. Автореферат. -Т.: 1984.-С.6.
19. Tsamutali.O.A. Improving the use of vehicles in cotton-growing collective farms of the Toshkent region. Abstract. -T.: 1984.-p.6.
20. Мангельдин.Д.И. экономические проблемы развития и размещения транспортной сети Узбекистан.Автореферат..-Т.:1971.-С.12-13
21. Mangeldin.D.I. economic problems of development and distribution of the transport network of Uzbekistan. Abstract ..-T.: 1971.-p.12-13
22. Жаҳонгиров Б.Б.Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2021/05.VOLUME.2. Issue.5.–Б.1010-1021.

- 
23. Джахонгиров Б.Б. Научно-технические связи Узбекистана со странами Азии. АКАДЕМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ НАУКАХ, 2021 / 05. Том 2. Выпуск 5. – Б.1010-1021.
24. Dzhakhongirov B.B. Scientific and technical relations of Uzbekistan with Asian countries. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2021 / 05. Volume 2. Issue 5.-P.1010-1021.
25. Захритдинов Г.З.Развитие пассажирского транспорта Узбекистана. Автореферат. -Т.: 1972. -С.16-17
26. Zakhritdinov G.Z. Development of passenger transport in Uzbekistan. Abstract. -T.: 1972. -p.16-17
27. Жаҳонгиров Б.Б.Хорижий давлатлар билан илмий алоқалар. // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2010.-№ 1.–Б. 55-56.
28. Джахонгиров Б.Б. Научные связи с зарубежными странами. // Общество и управление. -Ташкент, 2010.-№ 1.–С. 55-56.
29. Djakhongirov B.B. Scientific relations with foreign countries. // Society and management. -Tashkent, 2010.-No. 1.–P. 55-56.
30. Захритдинов Ф. Ўзбекистонда пассажирлар ташишнинг ўсиши. “Ўзбекистон ССР билим жасмияти”.-Т.: 1969.-Б.31.
31. Захритдинов Ф. Рост пассажиропотока в Узбекистане. «Знания Узбекской ССР». - Т.: 1969.-С.31.
32. Zakhritdinov F. Passenger traffic growth in Uzbekistan. "Knowledge of the Uzbek SSR". - T .: 1969.-p.31.